

Жазоирда масжидлар қайта очилади



11:53 / 16.02.2021 1364

Жазоир президенти коронавирус тарқалиш ҳолатлари камайганидан сўнг мамлакат бўйлаб барча масжидлар қайта очилишини эълон қилди. Бу ҳақда iqna.ig манбаси хабар берди.

Frans 24 янгиликлар сайтининг хабар беришича, Жазоир президенти ўз баёнотида ҳукумат коронавирус тарқалишининг олдини олиш учун эҳтиёт чораларини кўрган ҳолда мамлакат бўйлаб масжидларни қайта очишга қарор қилганини айтди.

Шунингдек баёнотда, ҳукумат меҳмонхоналар, давлат ва хусусий марказларнинг барча фаолиятини давом эттириш ниятида эканлиги таъкидланган.

Бироқ, Жазоирнинг айтишича, комендантлик вақти соат 22:00 дан 05:00 гача амал қилган ва мамлакатнинг 48 вилоятдан 19тасида икки ҳафтагача узайтирилган.

Айни пайтда, Жазоирда байрамлар, оилавий йиғилишлар, намойишлар ва норозиликлар тақиқланган.

Жазоир ҳукумати мамлакатда коронавирус ҳолатларини камайтиришга қарор қилганини ҳам қўшимча қилган.

Хуршид Маъруф тайёрлади